



2020 у. «9» июль

№ Қ-333

«  »    20   г.

**Музработ туманидаги Т.Бердиев массиви худудидан “ОУБЕК GOLD AGRO” ишлаб чиқариш кооперативига енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/334-сон йиғилиш баёни ва Музработ туман ҳокимининг 2020 йил 5 июндаги 01-05/124-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/334-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ туманидаги Т.Бердиев массиви худудидан “ОУБЕК GOLD AGRO” ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобига туманда кам таъминланган аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 382қ-дала контуридаги тупрок унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 1,6 гектар суғориладиган экин ер майдонида енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун 30 йил муддатга ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ОУБЕК GOLD AGRO” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари О.Норматовга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов